



Савол:

Умар розияллоху анхунинг килган иши бизга нима асосида суннат бўлади?

Жавоб:

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: "... сизлардан менадан кейин яшаганлар кўп ихтилофларни кўрадилар. Сизлар менинг суннатимни ва хулафоир-рошидийн, алмахдийинларнинг суннатларини махкам ушланглар, уни озик тишларингиз билан тишлаб олинглар. Янги чиқарилган амаллардан эҳтиёт бўлинглар, ҳар бир янги амал бидъатдир, ҳар бир бидъат залолатдир" Термизий, Ибн Можа ва Ахмад ривояти. Саҳих ҳадис.

Ҳадисдаги "хулафоир-рошидийн, алмахдийин" бу икки сифат фақат Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алий разияллоху анхумларга хосдир. Улар расулуллохдан кейин, у зот килмаган бир ишни килган бўлсалар, у ҳам манашу ҳадисга кўра суннат бўлиб қолади.